

Маҳсулот Ишлаб Чиқариш Ва Сотиш Ҳажмини Ошириш Имкониятлари

Khurramova Madina

Master of Tashkent State University of Economics
eshmamatovamadina@tsue.uz

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш таҳлилиниң якуний қисмида ишга солинмаган ички имкониятлар ҳисобига маҳсулот ҳажмини ошириш имкониятларини аниқламоғи лозим. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини ошириш бўйича имкониятлар-бу миқдорий ўлчовга эга бўлган корхона ресурсларидан фойдаланишни яхшилашдир.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини ошириш бўйича қўшимча имкониятларни излаб топишни тизим асосида амалга оширамиз. Мехнат жараёнлари асосида қўшимча имкониятларни гурухлаш тизими қуида келтирилган: (Чизма 3.3.1)

Маҳсулот ҳажмини ошириш бўйича имкониятлар комплекти аниқланади, яъни бу ҳамма резерв гурухлари бўйича минимал ва максимал имкониятларни солиштириш қийматидир. Минимал ва максимал имкониятлар орасидаги фарқ келгуси резервни ҳосил қиласди.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимида товар маҳсулоти солиштирма баҳосидан ташқари фонд қайтими, яъни асосий воситалар қийматининг ҳар сўмига тўғри келадиган маҳсулот ҳажми ҳам киради. Фонд қайтими жами асосий воситалардан унумли фойдаланишни ифодаловчи умумлаштирувчи кўрсаткич.

$$\Phi_i = \frac{N}{F},$$

Бунда: Φ_i – фонд қайтими;

N – маҳсулот ҳажми (иш хизмат) солиштирма баҳода;

F – асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қиймати.

Маълумки, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмларини комплекс таҳлилиниң асосий вазифаси–маҳсулот ҳажмларини қандай омиллар эвазига ошганлигини аниқлаш, сўнгра ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилган бошқарув қарорларини қабул қилишдан иборат. Маҳсулот ҳажмига таъсир этувчи омиллар туфайли сотишдан келган тушум ўтган йилдан фарқланади. Умумлашган тарзда ишлаб чиқариш омилларини уч гурухга: меҳнат, меҳнат предметлари ва меҳнат воситаларига ажратиб ўрганиш талаб этилади. Бу омиллар узвий боғлиқликда комплекс тарзда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этади. Уч омилнинг маҳсулот ҳажмига бўлган таъсири қуидаги формуалалар асосида аниқланади:

$$N = R * D = R * \frac{N}{R}, \quad (1)$$

Бунда:

R – ходимларни рўйхат бўйича ўртacha сони;

D–мехнат унумдорлиги (бир ходимга тўғри келадиган ўртacha йиллик маҳсулот).

$$N = F * \Phi_k = F * \frac{N}{F}, \quad (2)$$

Бунда:

F–асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртacha йиллик қиймати;

Φ_k – асосий ишлаб чиқариш фондларининг фонд қайтими.

$$N = M_x * M_k = M_x * \frac{N}{M_x}, \quad (3)$$

Бунда: M_x – маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган ма-териаллар харажати;

M_k – материал қайтими (материаллар харажатининг ҳар сўми-га тўғри келадиган маҳсулот ҳажми)

Биринчи формула маҳсулот ҳажми ходимлар сони ва меҳнат унумдорлигига, иккинчи формула–асосий ишлаб чиқариш фонд-лари ва фонд қайтимига, учинчи формула–материаллар сарфи ва материал қайтимига боғлиқлигини ифодалайди.

Мехнат унумдорлиги ходимларнинг фонд билан қуролланиши ($\frac{F}{R}$) ва асосий ишлаб чиқариш воситаларининг фонд қайтими ($\frac{N}{F}$) га боғлиқлиги қуидагича ифодаланади.

$$D = \frac{F}{R} * \frac{N}{R} = \frac{N}{R} = D$$

Биринчи формуладаги D нинг ўрнига кенгайган шаклда маҳсулот ҳажмига омиллар таъсирини қуидагича ифодалаш мумкин.

$$N = R * \frac{F}{R} * \frac{N}{F} \text{ ёки } N = R\Phi_b * \Phi_k$$


Демак, бу формулага мувофиқ маҳсулот ҳажми уч омилга боғлиқ: корхонанинг ходимлар билан таъминланиши, меҳнатнинг фонд билан қуролланиши, асосий воситаларнинг фонд қайтими.

Сотиш ҳажми индексининг динамикаси “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” (шакл-2) маълумотлари асосида инфляция даражасини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

$$I_N = \frac{N_1}{N_0},$$

Чизма-3.3.1

Махсулот ишлаб чиқариш ва сотиш хажмини ошириш бўйича кўшимча имкониятларни таснифлаш



Хулоса ва таклифлар

Мамлакатимиз етакчи тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳалқаро сифат стандартларига ўтиш бўйича турли муддатларга мўлжалланган дастурлар ишлаб чиқилган ва изчил равишда амалга ошириб келинмоқда. Жаҳон бозорида талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб қувватлаш иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолишида ғоят муҳим аҳамиятга эга. Ишлаб чиқариш жараёнининг пировард маҳсулни бўлиб тайёр маҳсулотлар хисобланади. Тайёр маҳсулотлар бу технологик ишлов беришнинг барча босқичларидан ўтган, тасдиқланган стандартлар ва техник шартларга мувофиқ келадиган (унинг сифатини тасдиқлайдиган сертификат ёки бошқа хужжат билан таъминланган), техник назорат бўлими қабул қилган ва омборга топширилган ёки харидорга юклаб жунатилган маҳсулотлардир.

Маълумки, хар бир фаолият юритаётган корхона ўз маҳсулотини асосан сотиш учун ишлаб чиқаради. Ўз вақтида сотилган маҳсулот эса корхонанинг ижобий молиявий натижаларга эришиши, дивиденд тўловларни ўз вақтида амалга ошириши, мулк ва маблағларнинг узлуксиз ҳамда самарали айланиши каби купгина молиявий аҳвол муносабатларини яхшилаш имкониятини туғдиради. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ муомалаларни амалга ошириш учун албатта дастлабки маълумотлар зарурдир, уларни эса бухгалтерия ҳисоби ердамида олиш мумкин. Олинган маълумотлар асосида таҳлил ўтказиб корхонани маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш фаолияти юзасидан хулосалар қилиб таклифлар бериш мумкин.

Битирув малакавий ишини бажаришда биз қуидаги хulosаларга келидик:

Хўжалик юритувчи субъектларда маҳсулот ҳисоби режа бўлимида натура кўрсаткичларида, омборда эса қиймат курсаткичларида олиб борилади.

Тайёр маҳсулот бухгалтерия ҳисобида маҳсулотнинг амалдаги ишлаб чиқариш таннархи, режа ишлаб чиқариш таннархи, сотишдаги улгуржи нарҳлар, эркин сотиш нарҳлари ва тарифлари, эркин бозор нарҳларида баҳоланиши мумкин. Шуни хам айтиб утиш керакки, тайёр маҳсулот корхонанинг айланма маблағлари таркибига киради ва шу боисдан амалдаги бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисидаги миллий стандартларга (БХМС) биноан, хакикий ишлаб чиқариш таннархи буйича балансда акс эттирилиши керак.

Бухгалтерия ҳисобининг вазифаларидан бири даромад келтирмайдиган харажатлар, яроқсиз маҳсулотлар, бекор туриб қолишлар, камомад ва моддий бойликларнинг бузилишидан куриладиган йуқотишларни ўз вактида топиш ва аниқлашдан иборатдир. Бундай маълумотлар субъект маблағларининг самарасиз сарфланиши сабаблари ва айборларини билиб олишга имкон беради.

Маҳсулотни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш режаси ишлаб чиқариш ҳажми, номенклатураси, ишлаб чиқариш ва сотиш муддатлари кўрсатилган ёйма тизимли дастуридан иборат булади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш дастурини бажарилиши корхонадаги барча техник-иктисодий кўрсаткичларга таъсир этади. Ўз навбатида маҳсулот ишлаб чиқариш дастурини бажарилмаслигига ҳам турли омиллар таъсир этади. Бу омиллар таъсирини ўрганиш эса корхона учун қўшимча имкониятларни аниқлашга ва улардан ишлаб чиқаришни самарадорлигини оширишда қўшимча имкониятлардан фойдаланишини таъминлайди.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми – корхона фаолиятининг энг муҳим кўрсаткичларидан бири бўлиб, унинг асосида иш кучига бўлган талаб ва ишлаб чиқариш қувватлари, иш ҳақи фонди, айланма маблағлар ва ҳоказолар аниқланади. Корхона бўйича барча турдаги ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми қиймат ўлчовида умумлашади. Тахлил ўтказишида саноат корхоналари ишлаб чиқарган маҳсулот ҳажмини қуидаги умумлаштирувчи кўрсаткичлар ердамида ўрганилади:

- ялпи маҳсулот;
- товар маҳсулоти;
- сотилган маҳсулот.

Енгил саноат корхоналарида маҳсулотларни тўлиқ турларда ишлаб чиқариш муҳим аҳамиятга эга. Агар саноат корхонаси шартнома асосида режалаштирилган маҳсулотларни тўлиқ турларда ишлаб чиқармаса, у ҳолда аҳолининг айrim товарларга бўлган эҳтиёжи тўлиқ қондирилмайди. Чунки саноат корхоналари иложи борича кам харажат, кам меҳнат талаб қиласидиган ва баҳоси юқори маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ҳаракат қиласиди, шунинг учун ҳам тахлил жараённада маҳсулот турларини бозор талабига асосан ишлаб чиқаришни ташкил этишга бажарилишига алоҳида эътибор қаратилади.

Ушбу хulosалардан келиб чиқиб : МЧЖ “Classica shoes international” Ўзбекистон Хитой қўшма корхонасини маҳсулот ишлаб чиқариш жараённининг ҳисоби ва таҳлилини янада тартибга солиш учун қуидаги таклифларимизни тавсия этамиз:

- а. Корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш хажми ҳисобот даврида анчагина ошган , лекин шу билан бирга ишлаб чиқарилаетган маҳсулот таннархи ҳам ошган.Бунинг сабаби корхонада фойдаланиаетган хом аше ва материалларни бир қисми чет элдан яъни, Хитойдан келтирилади бу эса маҳсулот таннархини ўзгаришига ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Шунинг учун ушбу хом ашеларни иложи борича маҳаллийлаштиришни тавсия этамиз,бунинг учун корхонада локализация бўлимини ташкил этиш керак.
- б. Корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ўз вақтида сотиш ҳисобига дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш мақсадида ишлаб чиқарилган (айниқса мавсумий)маҳсулотларни сотишда чегирмалар бериш, кафолатли ҳизматни жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди деб ўйлаймиз.
- с. Маҳсулот сотиш хажмини ошириш учун алоҳида маркетинг бўлимини ташкил этиш керак.
1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.-Т.: Ўзбекистон. 1992 йил 8 декабрь.
 2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси.-Т.: Ўзбекистон. 2007йил.
 3. “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни.1996й. 30 август.
 4. “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни (янги таҳрири) 2000 йил 26 май.
 5. Международные стандарты финансовой отчетности.-М.: Аскери - ACCA. 1999.-218 с.
 6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 5 феврал-даги “Маҳсулот (иш, ҳизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом. (ЎзР. ВМ.нинг қарорлари асосидаги ўзгартиришлар билан).
 7. Бобоҷонов О., Жуманиёзов К. Молиявий ҳисоб.-Т.: Молия. 2002.-672 б.
 8. Вахидов С.В. ва бошқ. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари.-Т.: Адабиёт жамғармаси нашриёти. 2004.-237 б.
 9. Вахобов А.В. Ибрагимов А.Т.Молиявий таҳлил Т.: Шарқ 2002.
 10. Вахобов А.В. Ибрагимов А.Т. Бошқа тармоқларда иқтисодий таҳлил хусусиятлари. Т.:2004.
 11. Ибрагимов А.К. Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисоби, аудити ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархини аниқлашни такомиллаштириш.: Иқт. фан. докт. дис....автореф.- Т.: ЎзР БМА. 2002.
 12. Ибрагимов А.Т. Рахимов М.Ю. Бошқарув таҳлили Т.:2004.